# КЎРГАЗМАЛАР САМАРА БЕРАЁТИР

**Айни кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида коллеж ва академик лицейларни битирган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жалб этиш мақсадида "Мутахассислик — сенинг келажагинг", деб номланган кўргазмали тадбирлар ўтказиляпти.**

Ана шундай кўргазма Самарқанд шаҳридаги Спорт педагогика коллежида бўлиб ўтган тадбирда вилоятдаги элликка яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этиб, мавжуд бўш иш ўринларга ишга кириш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этишди.

— Айни пайтда вилоятда 146 та касб-ҳунар коллежи фаолият олиб бормоқда, — дейди Самарқанд тумани халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари Нигора Саломова. — Уларни битираётган ўқувчиларни иш билан таъминлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан. Кўргазмада иштирок этган ёшлар ўзларини қизиқтирган йўналишлар бўйича етарлича маълумотларга эга бўлишди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# ҚУТ-БАРАКА

## пешона тери билан топиладиган даромадда

Ҳукуматимиз қишлоқ аҳолисининг доимий иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтириш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Чунончи, Президентимиз томонидан 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида чорвачиликни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил татбиқ этиб келиняпти.

Хусусан, аҳолининг қорамол сотиб олиши учун турли молия муассасалари томонидан мақсадли ва имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Айни чоғда, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифатини ошириш билан бирга, чорва молларини озиқа билан таъминлашнинг самарали механизми ҳам яратилди. Маълумотларга қараганда, 2008 йилда кимошди савдолари орқали 20 минг 300 бош қорамол сотилган. Жорий йилда бу миқдорни салкам 5 мингтага ошириш кўзда тутилмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга бепул сигир ажратилиб, улар қўллаб-қувватланаётир. Жумладан, ўтган икки йил давомида берилган 103 минг бошдан зиёд қорамол минглаб оиланинг рўзғорига қут-барака олиб кирди. Айни чоғда, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролар сони 1 миллион 100 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчалари очилиб, 111 минг фуқаронинг эса меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилганки, бу аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг амалдаги тасдиғидир.

Гап шундаки, бугунга келиб давлат ва жамият ҳаётида нуфузи ортиб, фаолият кўлами кенгайиб бораётган маҳалла институти, унинг юқори бошқарув органи — «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва шу орқали уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жамғарма томонидан 2008 йилда кам таъминланган оилаларга 1 миллиард 104 миллион сўмлик, яъни салкам 1000 бош қорамол, 74 бош қўй, шунингдек, 900дан зиёд эҳтиёжманд оила 45 мингта парранда билан таъминланди. Бундан ташқари, жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросидан келиб чиққан ҳолда 2009 йилнинг ўтган олти ойи давомида 500 бошдан зиёд қорамол аҳолининг кам таъминланган қатламларига ҳадя этилди.

— Ҳақиқий деҳқон чорвани ташлаб қўймайди, — дейди Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмитдин Шаропов. — Билсангиз, чорва деҳқончиликнинг таянч омилларидан бири, органик ўғит манбаи ҳамдир. Гапнинг сирасини айтганда, бугунги деҳқон чорвадор ва бугунги чорвадор, албатта, деҳқон бўлмоғи керак. Мисол учун, хўжалигимиз ер майдонининг 125 гектарида ғалла, 156 гектарида пахта, қолган 75 гектар ерда беда ва бошқа чорва учун озиқабоп экинлар етиштирамиз. Чорва наслини яхшилаш ҳамда сонини кўпайтириш мақсадида 2007 йилда Польшадан 30 бош «Голштейн» зотли қорамол харид қилган эдик. Ҳозир уларнинг сони 90 тага етди. Бундан ташқари, хўжалигимизда 447 бош маҳаллий чорва моллари парваришланмоқда. Шу ҳисобидан эл дастурхонига йилига 250 тоннадан зиёд сут, 40 тоннага яқин гўшт етказиб беряпмиз. Бозор иқтисодиётининг қоидаси қатъий: изланмасанг, интилмасанг касод бўласан. Айни чоғда, фақат хомашё етиштириш билан иш битмайди. Уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотишни эплаган одамнинг ошиғи олчи. Шу мақсадда Италия ва Исроил давлатлари технологияси асосида сутни қайта ишлаб, 6 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳа, айтганча, етти хазинанинг бири — паррандачиликка ҳам қўл ургanмиз. Ҳозирда 3000 дона паррандани парваришлаб, эл дастурхонига тухум ва парҳез гўшт етказиб беряпмиз. Мавриди келганда, фаолиятимизни маҳалла ҳаёти билан боғлаб олиб бораётганимизни ҳам айтиб ўтай. Маҳалланинг барча тадбирларида фаол иштирок этишга интиламиз. Албатта, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига ҳомийлик қилиш доимо кун тартибимиздаги асосий масалалар қаторида.

Халқимизда пешона тери билан топилган даромад баракали бўлади, деган ҳикмат бор. Буни фермер Раҳмитдин Шаропов етакчилик қилаётган хўжалик мисолида ҳам кўрса бўлади. Зеро, йиллик ўртача айланма маблағи салкам 400 миллион сўмни ташкил этаётган хўжалик аъзолари Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида маҳалла ҳудудидаги маданият саройини таъмирдан чиқаришни, мактаб кутубхонасини бадиий адабиётлар билан бойитиш ва кам таъминланган оилаларга 20 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатишни ният қилишган.

**Саид ОЛИМОВ**

# Дунёдан дараклар

## Стратегик қуроллар қисқаради

**Куни кеча АҚШ президенти Барак Обама Москвага келди. У Россия президенти Дмитрий Медведев, ҳукумат бошлиғи Владимир Путин билан учрашиб, музокаралар олиб борди.**



Икки давлат раҳбарлари учрашувидан сўнг стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш, Афғонистонга Россия ҳудуди орқали ҳарбий бўлмаган юклар транзити, терроризмга қарши биргаликда курашиш ва бошқа икки томон учун ҳам манфаатли бўлган масалалар бўйича шартномалар имзоланди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, музокаралар чоғида Грузиянинг яхлитлиги, Шарқий Европа ҳудудига АҚШнинг ракетага қарши тизимини ўрнатиш масаласида икки давлат раҳбарлари келиша олишмаган.

Барак Обама Москвадан Италияга жўнаб кетди. У катта саккизлик учрашувида қатнашади. Бу учрашувда, шунингдек, Россия президенти ҳам иштирок этади.

## Хато қимматга тушмоқда



**Буюк британиялик хирурглар ҳар куни 11 марта жиддий хатога йўл қўйишар экан. Сўнгги беш йилда бундай хатолар сони 28 фоизга ошган.**

Бу рақамларни Британия парламенти йиғилишида Либерал демократик партия вакиллари келтириб ўтишди. Хирурглар тез-тез операция чоғида бемор танасида операция жиҳозларини эсдан чиқариб қолдиришаркан. Сўнгги беш йилда бундай хатолар 13 фоизга ошган ва 2008 йили бундай ҳолатга 722 марта йўл қўйилган. Шунингдек, хирурглар 2817 марта касал органни даволаш ўрнига соғ органга шикаст етказишган. Беш йилда улар ҳаммаси бўлиб 17921 марта хатога йўл қўйишган.

Йиғилиш ҳисоботида айтилишича, умуман, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида беш йилда ўртача 250 мингта хатога йўл қўйилган ва бу 3600 нафар беморнинг бевақт ўлимига сабаб бўлган.

## Реконструкция баҳонасида

**Германиядаги энг йирик BASF кимё комбинати корхонани реконструкция қилиш баҳонасида 3,7 минг нафар ишчини ишдан бўшатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда компания раҳбарияти томонидан чиқарилган расмий матбуот хабарида айтилган.**



Корхона раҳбарларининг таъкидлашича, қисқариш очиқ ва ҳалол ўтади. 2008 йилнинг ноябрь ойида концерн дунёдаги 100 та заводида ишлаб чиқариш камайгани ва 80 та заводи ёпилганини эълон қилганди. Ўшанда 20 минг нафар ишчи мажбурий таътилга жўнатилган эди.

BASF кимё концернига 1865 йилда асос солинган. Унинг заводларида 97 минг нафар ишчи меҳнат қилади. 2008 йилда BASF 62 миллиард еврога маҳсулот сотди.

## Кафега ҳужум



**Душанба куни кечқурун Майамида номаълум шахслар шаҳардаги кафелардан бирига кириб, у ердаги хўрандаларга қарата ўқ узишган.**

Дастлабки хабарларга қараганда, жиноятчилар икки ёки уч киши бўлган. Ушбу жиноий ҳаракат туфайли 12 киши турли даражада тан жароҳати олган. Бир хўранда қочаман, деб йўлдан ўтаётган машина тагида қолган.

Associated Press хабарида айтилишича, беш киши оғир аҳволда касалхонага келтирилган. Жиноят содир бўлган жойдан полиция иккита тўппонча ва битта АК-47 автоматини топди. Жиноятчилар ким эканлиги ва нима мақсадда бу жиноятга қўл ургани ҳозирча номаълум.

**Интернет хабарлари асосида А.БОЗОРОВ тайёрлади.**

Огоҳлик

# Осойишталик посбонлари

**Юртимизда шубҳасиз, тинчлик, осойишталикни сақлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бир қаторда жамоатчилик, жумладан, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бугунги кунда мазкур тузилмалар сафида жисмонан бақувват, инсоний фазилатларга ҳамда кенг дунёқарашга эга юртдошларимиз жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот идораларига яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Халқимиз, Ватанимиз манфаати йўлида астойдил хизмат қилиб, ўз уйи, маҳалласи осойишталигини сақлашга ҳисса қўшаётган бундай кишиларнинг фаолияти таҳсинга сазовор, албатта.

2008 йил 5 мартда Ички ишлар вазирлиги билан «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, республикамизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларнинг оила ва маҳаллада осойишта ва ҳамжиҳат яшашларини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақаларда фуқаролар йиғинлари раислари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда жойлардаги ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида кенгайтирилган семинар-кенгашлар ўтказилди.

Ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этувчи услубий қўлланма 8000 нусхада тайёрланиб, маҳалла посбони сардорларига етказиб берилди. Шу билан бирга, қўшма қарор асосида тегишли тартибда мониторинг ўтказилиб, ўз вазифасига совуққонлик билан қараётган 4266 нафар посбон, фуқаролар йиғини қарорига асосан, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сафидан чиқарилди. Уларнинг 401 нафари эса жамоат тузилмаларининг сардорлари эди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида 7969 та «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ташкил этилган бўлиб, улар сафида 52 мингдан зиёд фуқаролар жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идораларига яқиндан кўмаклашиб келмоқда, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ғанишер Эшонқулов. — Жорий йилнинг беш ойи давомида посбонлар томонидан 84982 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Бундан ташқари, улар ёрдамида 3344 та жиноят фош этилди. Маҳалла посбонлари томонидан 439 та жиноят очилгани эса, албатта, эътирофга лойиқ.

Таъкидлаш жоизки, маҳалла посбонлари хизмати рағбатлантирилиб, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда. Шу билан бирга, уларнинг сафидан муносиб деб топилганларини ички ишлар идораларига хизматга қабул қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Тузилма аъзоларининг жонкуярлиги ва жойлардаги ички ишлар идоралари билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик туфайли 4411 та маҳаллада жиноят содир этишга йўл қўйилмади. Бу мисолдан кўринадики, маҳалланинг осойишталиги кўп жиҳатдан маҳалла посбонларининг ўз хизмат вазифаларига қандай ёндашаётганига боғлиқ. Шу мақсадда уларнинг ўз вазифасига муносабатини аниқлаш, сиёсий онги, дунёқараши, ҳуқуқий билимини баҳолаш учун «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, ИИВ томонидан 2009 йил 4 январь куни «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорларини шаҳодатдан ўтказиш бўйича қўшма қарор қабул қилиниб, комиссия таркибига малакали мутахассислар ва раҳбар ходимлар жалб этилди.

Республика миқёсида ўтказилган мазкур тадбир натижасида шаҳодатдан ўтказилган жами 7549 сардордан 650 нафарининг ҳуқуқий билим даражаси, дунёқараши бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги аниқланди ва улар вазифасидан бўшатилди.

Маҳалланинг осойишталигини таъминлашда маҳалла посбонлари ва сардорлари кенг жамоатчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда фаол иш олиб боришлари лозим. Ўзига ишониб топширилган вазифани виждонан бажарган кишилар меҳнати эса ҳамиша жамоатчилик ва эл-юрт эъзозига муносиб бўлаверади.

**Н.ОЧИЛОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.**

# АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

*Қорақалпоғистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари яхшиланмоқда. Мазкур соҳада юзлаб киши иш билан таъминланди.*

Кегейли туманидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйида сарторошхона, фотосалон, вулканизация, ёғоч устачилиги шохобчалари ишлаб турибди. Шунингдек, тикувчилик соҳаси ҳам анча яхши ривожланган бўлиб, харидорлардан тушган буюртмалар ўз вақтида бажарилмоқда.



**СУРАТДА:** *маиший хизмат кўрсатиш уйи тикувчиси Гулнора Оразова иш пайтида.*

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Божхона хабарлари

## Сохта паришонхотирлик панд беради

**Мамлакатимиз ҳудудига кираётган ёки чиқаётган шахслар, амалдаги қонун талабларига кўра, ўзларида валюта борлиги ҳақида тегишли тартибда божхона баённомасини тўлдиришлари шарт. Аммо айрим кишилар божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уринади. Бу эса, устамонларга қимматга тушади.**

Хорижий давлат фуқароси Ма Вениамин «Тошкент—Москва» йўналишига отланаётиб, ўзи тўлдирган божхона баённомасида хорижий валютаси йўқлигини қайд этди. Аммо божхоначилар назорат-текширув пайтида унинг ёнидан 40 минг Россия рублини топишганида Вениамин ўсал бўлди.

Шундай ҳолат қўшни давлатдан юртимизга «С.Нажимов» божхона пости орқали кириб келаётган М.Тошкенбоева билан ҳам юз берди. У «паришонхотирлик» қилиб, 25 минг 500 АҚШ долларини божхона баённомасида қайд этишни унутиб қўйди. Умуман, мамлакатимиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида валюта маблағларини ноқонуний олиб ўтишга оид 2400 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари фош этилди.

## Сабзавот-полиз «экспортчилари»

**Амалдаги қонунчилигимизда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Аммо Наманган вилоят Чуст туманида яшовчи Н.Қурбонов ўзига тегишли «Камаз-5320» автоуловига қонунга зид равишда 12 тоннадан зиёд пиёзни ортиб, айланма йўллар орқали қўшни давлатга йўл олганида божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.**

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари тўғри йўл қолиб эгри йўлда ҳаракатланаётган «Камаз» русумли машинани тўхтатиб, кўздан кечиришганида унга ортилган умумий қиймати 16 миллион сўмлик, жами 13 тонна полиз ва сабзавот маҳсулотларини фуқаро Б.Исмедуллаев ҳеч қандай ҳужжатсиз қўшни давлатга олиб ўтаётгани аниқланди.

Қўшни давлат фуқароси Б.Кольбаев эса «чегара чўт эмас», деган хом хаёлда 15 тонна карамни айланма йўллар орқали олиб ўтмоқчи бўлганида сирдарёлик божхоначилар томонидан тўхтатилди.

**Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати хабарлари асосида Мавлуда Ашурбоева тайёрлади.**

«Mahalla» жавоб беради

# МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛМОҚЧИМИСИЗ?

***Савол:*** **— Икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ ногирони. Ўзим мактабда фаррош бўлиб ишлайман. Моддий эҳтиёжларни қондириш мақсадида фуқаролар йиғинига кам таъминланган оилалар учун бериладиган моддий ёрдам сўраб мурожаат қилмоқчи эдим. Бундай моддий ёрдам қандай тартибда берилиши ҳақида маълумот берсангиз.**

*О.ЖАББОРОВА.*
*Амударё тумани.*

***Жавоб:*** *— Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади. Низомга кўра, кам даромадли оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролари йиғинлари, айрим ҳолларда кўчалар, турар жойлар, қишлоқ, овул, маҳаллалар фуқаролари вакилларининг йиғилиши ва йиғин томонидан ушбу масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия томонидан қабул қилинади.*

*Комиссия таркиби фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан обрў-эътиборли, ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Ушбу комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия ариза тушган кундан бошлаб, икки ҳафта муддатда ёрдам сўраган оиланинг моддий ва мулкий аҳволини текшириб чиқади.*

*Ёлғиз фуқаролар ва кам даромадли оилалар (кўп болали оилалар; боқувчиси ногирон ва меҳнат қобилиятини қисман йўқотган оилалар; ишсизларнинг оилалари; ёлғиз пенсионерлар ва бошқа муҳтож оилалар) ҳар ойлик моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Ҳар ойлик моддий ёрдам 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач, оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам мазкур низомда белгиланган янги муддатга тайинланиши мумкин.*

*Ҳар ойлик моддий ёрдам энг кам иш ҳақининг 1,5-3 баравари миқдорида белгиланиши кўзда тутилган. Моддий ёрдам тайинлаш рад этилган тақдирда йиғилиш баёнида унинг сабаблари кўрсатилади ва бу ҳақда фуқаролар йиғини ёки комиссия йиғилиши қарори устидан шикоят қилишга йўл қўйилмайди.*

**Абдумурод ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқарма бошлиғи муовини.**

# Уяли телефонлар ўчадими?

Американинг NASA ташкилоти ва Миллий фанлар академияси 2012 йилга бориб миллионлаб одамлар электрсиз қолишади, деган ваҳимали хабарни тарқатишмоқда, дейилади Италияда нашр қилинадиган **La Repubblica** газетасидаги мақолада.



Унда ёзилишича, бу талофатга инсониятнинг узоқни ўйламай юритган фаолияти ёки атроф-муҳитнинг ифлосланиши ёхуд ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетиши эмас, балки Қуёш сабабчи бўларкан.

Ер шари ҳар 11 йилда ўз магнит майдонини ўзгартиради. Декабрь ойидан бошлаб қуёшнинг фаоллиги секин-аста кўтарилиб боради. Чунки бу пайтга келиб Қуёш ўзидан жуда катта миқдорда радиация нури ва энергия чиқаради. Бунинг оқибатида Ерда электромагнит тўфони юзага келиши мумкин.

Астрономлар 1859 йилдан буён камдан-кам учрайдиган бу ҳодисани кузатиб келишмоқда. Бундай фавқулодда кучли геомагнит тўфони юзага келганда Италия ва Кубада унинг ёғдусини бемалол кўриш мумкин бўлган. Оқибатда Америка ва Европада телеграф тизимлари ёниб кетган. 1921 йил май ойида пайдо бўлган навбатдаги шундай тўфон натижасида Ер юзида қисқа электр туташувлари кузатилган, Атлантиканинг ҳар иккала қирғоғидаги электр ва телефон тизимлари ишдан чиққан. Агар бундай бўҳрон инсоният электр ва телекоммуникациядан кенг фойдаланаётган ҳозирги даврда юз берса нима бўлади?

NASA ва Миллий фанлар академияси олимлари агар 1859 йилдаги аҳвол такрорланса, жуда катта ижтимоий ва иқтисодий зарарга сабаб бўлишини тахмин қилишмоқда. 1989 йилда Квебекда 6 миллион киши ана шундай геомагнит тўфони оқибатида 10 соат давомида электр энергиясисиз қолган эди. Ҳолбуки, ўшанда тўфоннинг кучи 1921 йилдагидан 10 баравар паст бўлган. Олимларнинг фикрича, агар 1921 йилдаги тўфон юз берадиган бўлса, 130 миллиондан ортиқ киши электрсиз қолади. Ёки 1859 йилдаги ҳолат такрорланадиган бўлса, инсониятга икки триллион доллар миқдорида зарар етиши мумкин. Энг ёмони, бу бўҳроннинг қачон, қайси пайтда юз беришини олдиндан айтиб бериш мушкул. Ҳозирча 2012-2013 йиллар оралиғида, деб тахмин қилинмоқда. Агар шундай бўлса, Ер юзидаги барча коммуникация тармоқлари ишдан чиқади, оқибатда телефон, айниқса уяли телефон тармоқларини қайта тиклаш масаласи жуда қийинлашади, дейишмоқда олимлар.



Россия фанлар академиясининг бош космик тадқиқотлар лабораторияси олимлари ҳам юқоридаги тахминларни тасдиқлаб, бироз қўшимча ҳам қилишмоқда. Яъни, Қуёш фаоллигининг ошиши, ўз магнит майдонини ўзгартириши вақтида Ер шарида талафотлар юз бериши мумкин. 2012 йилда кутилаётган фаоллашувдан кейин 2042 йилга келиб Қуёш яна ўз ҳолига қайтиши мумкин, деб ёзади **La Repubblica.**

Баъзи мамлакатларнинг олимлари инсоният бошига тушиши мумкин бўлган бундай талафотнинг олдини олиш мумкин, дейишмоқда. Энг қизиғи, дастлаб фақат уяли телефонларга қирон келиши мумкин, деб тарқатилган ушбу хабар тобора кенгайиб, ваҳимали тус олиб бормоқда. Астроном ва физик олимлар, илмий жамоатчилик ҳамда кўпчилик оддий фуқароларни ҳам қизиқтириб қўйган ушбу масалага ижод соҳаси кишилари ҳам ўз муносабатини билдиришаётир. Айни пайтда Голливудда фазовий оламнинг инсониятга бевосита ва билвосита таъсири ҳақида «2012» номли янги фильмни суратга олиш ишлари бошланган.

**Нигина ЯДГАРОВА**

